



# IQTISODIYOT

ilmiy-amaliy agroiqtisodiy jurnal



# Agroiqtisodiyot

илмий-амалий агроиқтисодий журнал

## МУНДАРИЖА

3. **А.МУХТОРОВ, З.САБУРОВА, Г.ХАЁТОВА.** Қишлоқ ҳўжалигида суғурта тизими ва механизмини тақомиллаштиришнинг асосий йўналишлари
6. **Н.АСКАРОВ, Ж.ФАРМАНОВ.** Иқлим ўзгариши шароитида асаларичилик тармоғини ривожлантиришдаги тизимли муаммолар
9. **Ш.АМАНОВ.** Қишлоқ ҳўжалигида хизматлар тизими ривожлантириш
13. **А.АБДУЛЛОЕВ.** Агрокластер фаолиятини бошқаришнинг “Базавий” модели ва унинг хусусиятлари
16. **А.ВУРХАНОВ.** О‘збекистон қишлоқ хо‘жалигида кооператив муносабатлари ва хориж таърибаси
20. **Ш.ЙУЛДАШЕВА, О.АБДУЖАЛИЛОВА, Қ.РО‘ЗИЕВ.** О‘збекистонда туризмни ривожлантириш истиқболлари
23. **А.АВЛОКУЛОВ.** Халқаро стандартлар талаблари асосида аудиторлик хулосасини тузишни тақомиллаштириш
26. **Н.ВАРАТОВ, Д.ТО‘ЛАНОВ.** Қишлоқ хо‘жалигида корхоналарида меҳнат муносабатларини тақомиллаштириш йўллари
29. **М.БАУЕТДИНОВ.** Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш йўллари
32. **Ҳ.ПИРИМҚУЛОВ.** Қашқадарё вилоятида о‘симликчилик тармоғининг самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили
34. **А.БОЛТАЕВ.** Ҳисоб объекти сифатида «биологик актив» тушунчасига замонавий ёндашув
36. **А.ЗАРИПОВ.** Фермер хо‘жалигини ривожлантириш муаммолари ва йўллари
39. **А.ИСАҚОВ.** Фермер ҳўжаликларида агроресурслардан фойдаланишнинг назарий асослари
42. **Н.ОЛИМЖАНОВА.** Тижорат банклари капиталини инвестицион маблағлар орқали тақомиллаштириш механизмлари
45. **И.КЕНЖАЕВ.** Суғурта ташкилотларида инвестиция фаолиятини самарали бошқариш масалалари
49. **А.МАМБЕТНАЗАРОВА.** Этапи оценки бизнеса как залога в процессе кредитования: соответствие международным стандартам
52. **А.ТўРАЕВ, Ш.МУЗРАПОВА.** Инвестицион мулкни ҳисобга олишнинг ташкилий – услубий таъминоти
54. **Қ.НАЗАРОВ.** Тижорат банкларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш
56. **А.МУСТАФОЕВ.** Инновацион фаолият – янги фикр, янги ғоя
59. **Ж.НУРИЛЛАЕВ.** Қорақўлчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг кластер тизимида инновацион технологиялардан фойдаланиш
62. **Н.РўЗИЕВ.** Тижорат банкларида рақамли технологияларнинг жорий қилиниши: Россия таърибаси
66. **О.САХИБОВ.** Дуал таълим: профессионал таълимни молиявий имкониятларини ошириш сифатида
69. **А.ЕРГАСШЕВ, Ҳ.ОЛИМЖОНОВА.** Tibbiy turizmning rivojlanish istiqbollari (chet el tajribalari asosida)
72. **З.ТАЖЕКЕЕВ, А.САБИРОВА.** Корхона фаолияти ўзлуқсизлигини аудитдан ўтказишда субстантив ўрганиш хусусиятлари
75. **А.МАҲКАМБОЕВ, Б.ТАШБАЕВ.** Ташқи ва ички қарзларни конвертация қилиш операцияларининг замонавий усуллари
78. **А.ТўРАЕВ.** Аудиторлик текширувларида ташқи сифат назоратини тақомиллаштириш
81. **К.ХАТАМОВ, О.ТУРАБАЕВА.** Совершенствование аудита основных средств в хозяйственных субъектах
84. **С.ХУЖАМУРАДОВА.** Экспорт-импорт операциялари аудитининг норматив-ҳуқуқий ва ахборот таъминоти
86. **О.ХУСАНОВ.** Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни ва ривожланиши
89. **И.ШЕРИМБЕТОВ.** Устав капитали ҳисобини халқаро стандартлар талаблари асосида тақомиллаштириш
93. **У.САДУЛЛАЕВ.** Қорвачилик интенсив асосда ривожлантириш йўналишлари
95. **О.ШЕРМАТОВ, Д.АЛЛОХУНОВА.** Sabzavotchilik tizimini rivojlantirishning iqtisodiy omillari
97. **А.ЭШҚУВАТОВ.** Молиявий барқарорлик тушунчасининг назарий асослари, асосий қўринишлари ва тавсифи
100. **Ҳ.ЙУСУПОВА.** Financial instruments to support the widespread use of innovative water-saving technologies in agriculture
104. **Ҳ.САМИЕВА.** Ijtimoiy sohada transferlardan foydalanishning xorij tajribasi
108. **М.АЛИМОВА.** Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш – аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилади
111. **О.ЙўЛДОШЕВ.** Тижорат банклари томонидан чакана савдони ташкил этишнинг асосий амалий жиҳатлари
115. **А.ҚОДИРОВ.** Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантиришнинг институционал асослари
118. **Ш.ҚУРБОНОВ.** Цитрус меваларни етиштиришда туркия таърибаси ва унинг ижобий жиҳатлари
120. **О.ШЕРМАТОВ, М.ВОТИРОВА.** Paxtachilik iqtisodiy samaradorligini oshirishning tashkiliy-iqtisodiy asoslari
123. **Ҳ.ОЧИЛОВ.** Аудиторлик текширувларида фаолият ўзлуқсизлигини баҳолашнинг ахборот таъминотини тақомиллаштириш
127. **Д.РО‘ЗИЕВА.** Korxonalarda innovatsion faoliyatga kiritilayotgan investitsiyalarning aktivlar rentabeligiga ta’siri
130. **У.АБДУЛЛАЕВ, С.РАХМАТОВ.** Мева-сабзавотчиликка ихтисослашган кооперативларни ташкил қилишнинг долзарб масалалари
132. **Ш.ШЕРКАБИЛОВ.** Хорижий давлатларнинг қартошқачилик тизимини ривожлантириш таърибалари ва уларни мамлакатимизда қўллаш имкониятлари
136. **С.БЕРДИЕВА.** Ўрмон фонди ерларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари
138. **С.САДУЛЛАЕВ.** Деҳқон ҳўжаликларида ердан фойдаланиш тизимини тақомиллаштириш

# Agroiqtisodiyot

илмий-амалий агроиқтисодий журнал

2 (28), 2023

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Алишер ШУКУРОВ  
Тулкин ФАРМАНОВ  
Саидасрор ҒУЛОМОВ  
Норқул ҲУШМАТОВ  
Ражаббой ДУСМУРАТОВ  
Фотима НАЗАРОВА  
Ирода РУСТАМОВА  
Акмал ҚОСИМОВ  
Яшнаржон АЛИЕВ  
Азиз КАРИМОВ  
Абдуҳолиқ МУХТОРОВ  
Муҳаммаджон ҚОСИМОВ  
Исроилжон ХОЛМИРЗАЕВ  
Назимжон АСКАРОВ  
Аслиддин АБДУЛЛОЕВ  
Кайрулла УБАЙДУЛЛАЕВ  
Бахтиёр МЕНГЛИКУЛОВ  
Улуғбек САДУЛЛАЕВ

## МУАССИС:


**Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик  
ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази (ISCAD)**

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 10 мартда  
0909-рақам билан рўйхатга олинган.

Журнал 2017 йил июндан чиқа бошлаган.

Бир йилда 4 мартда чоп этилади.

© Agroiqtisodiyot, 2023



## КЛАСТЕР

### АГРОКЛАСТЕР ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШНИНГ “БАЗАВИЙ” МОДЕЛИ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аслиддин АБДУЛЛОЕВ,

БухДУ, “Иқтисодий” кафедраси мудири, профессор, и.ф.ф.д. (PhD)

**Аннотация:** Мақолада агрокластерлар фаолиятини бошқариш бўйича иқтисодий адабиётда илк шаклланиган “Базавий” модели ва унинг хусусиятлари таҳлил қилинган.

**Аннотация:** В статье анализируется «Базовая» модель и ее особенности, впервые сформировавшиеся в экономической литературе по управлению деятельностью агрокластеров.

**Annotation:** The article analyzes the «Basic» model and its features, which were first formed in the economic literature on the management of agro-clusters.

Хар бир соҳада бўлган сингари аграр соҳада ҳам хўжалик юритиш фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларини мунтазам баҳолаб бориш талаб этилади. Бунда хўжалик юритиш фаолиятини бошқариш жараёнида қабул қилинаётган қарорларнинг қанчалик тўғри ва аниқ мақсадга йўналтирилганлиги билан биргаликда, мавжуд муаммоларни ҳам аниқлашга эришилади. Иқтисодий адабиётда хўжалик юритиш фаолияти самарадорлиги бошқарув қарорларининг қанчалик тўғри қабул қилинганлиги билан ўзаро боғлиқ жараён эканлиги ҳақида турли илмий қарашлар шаклланиган.

Агрокластерлар фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқаришга оид илмий-назарий қарашларнинг ривожланиш босқичлари, агрокластерлар бошқарувида инновацион лойиҳалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва унга таъсир этувчи омиллар, агрокластер бошқарувининг услубий асосларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари узоқ хорижий Р. Клаудио, Р.Г. Купер, М. Делгадо, Д. Долорекс, И. Лаур, Г. Линден каби иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топади.

Жаҳонда қишлоқ хўжалигининг ривожланиш салоҳиятидан самарали фойдаланишда аграр соҳани кластеризациялашга устуворлик қаратилиб келинмоқда. Бу орқали соҳада ишлаб чиқариш харажатлари қисқариб, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш билан биргаликда, глобал рақобатбардошлик кўрсаткичини яхшилашга эришилмоқда. Жумладан, агрокластер таркибига кирувчи қишлоқ хўжалиги субъектларининг капитализациялашув даражалари ортиши ҳисобига аграр соҳанинг инвестицион жозибадорлиги таъминланмоқда. Шунингдек, агрокластер таркибига кирувчи қишлоқ хўжалиги субъектлари билан биргаликда, бошқа соҳа вакиллари ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг чуқур интеграциялашуви соҳада кооперацион бошқарувнинг замонавий усуллари шакл-

ланишига олиб келмоқда.

М. Портер томонидан кластерли бошқарувни шакллантиришнинг икки хил фундаментлар ёндашуви ўзаро фарқлиб, ихтисослашган ва ҳудудий турларга ажратилади. Ушбу ёндашув бугунги кунда ҳам амал қилган ҳолда қуйидаги тартибда тавсифланади:

– ихтисослашган агрокластерлар – маълум бир турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, уларни қайта ишлаш орқали истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида фаолият олиб борувчи қишлоқ хўжалиги субъектлари, корхона ва ташкилотларнинг ўзаро интеграцион муносабатларга киришишида намоён бўлади. Бу турдаги агрокластер таркибига кирувчи иқтисодий субъектлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик вертикал ва горизонтал ҳамкорлик алоқаларидан самарали фойдаланишга қаратилган бўлади. Бундай агрокластерлар фаолиятини ривожлантириш орқали мамлакатлар халқаро даражадаги қўшилган қиймат занжиридаги иштирокини кенгайтириш билан биргаликда, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг глобал рақобатбардошлигини оширишга эришадилар;

– ҳудудий (ёки нуқтали) агрокластерлар – географик жиҳатдан бир-бирига ўзаро яқин жойлашган қишлоқ хўжалиги субъектлари, корхоналар, ташкилотлар ўртасидаги барқарор ижтимоий-иқтисодий муносабатларга асосланган хўжалик юритувчи гуруҳни англатади. Бу турдаги агрокластерлар миллий қўшилган қиймат занжирини яратиш билан биргаликда, ички бозорни тўйинтириш имконини беради [1].

Жаҳон амалиёти таҳлилига кўра, АҚШнинг Луизана, Оклахома, Вашингтон штатлари ҳудудларида ташкил этилган агрокластерлар жаҳондаги энг йирик агрокластерлар ҳисобланади. Жумладан, Калифорния штати ўзининг вино ишлаб чиқариш кластери билан жаҳонда ном қозонган ҳисобланади. АҚШ агрокластерлар фаолиятини ривожлантиришда юқо-

**Калит сўзлар:** кластер, агрокластер, бошқарув, кластерли бошқарув, рақобатбардошлик, глобал рақобатбардошлик, ихтисослашув, интеграция, озиқ-овқат хавфсизлиги.

ри технологик маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган бошқарув амалиётига эга эканлиги билан характерланади. Худди шундай агрокластерларни бошқариш амалиёти Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Нидерландия, Швейцария, Дания, Болгария каби Европа Иттифоқи мамлакатлари учун ҳам хос ҳисобланади. Шунингдек, сўнгги йилларда Хитой, Япония, Сингапур ва бошқа Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида агрокластерлар фаолиятини бошқаришда АҚШ ва Европа мамлакатлари амалиётига ўтишга қаратилган ислохотлар амалга оширилмоқда [2].

Агрокластер фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқаришнинг жаҳон амалиёти таҳлиliga кўра, тараққий этган, жумладан жадал ривожланаётган мамлакатлар қишлоқ жойларида ўсиш нуқталарини ривожлантиришда инновацион агрокластерларни ривожлантиришга устуворлик қаратилмоқда. Бу турдаги агрокластер таркибий жиҳатдан нафақат қишлоқ хўжалиги субъектлари, балки унга хизмат кўрсатувчи илм-фан, таълим, логистик хизматлар каби бошқа соҳа вакиллари ўртасидаги интеграцион бирлашмаларни шакллантириш орқали намоён бўлмоқда.

Агрокластерлар фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқариш амалиётини тадқиқ этиш бўйича иқтисодий адабиётда кўп сонли илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, Е.Ж. Фесер [3], Д. Долореукс [4], Ч. Кетелс [5], Р. Клаудио [6], О. Солвелл [7] каби иқтисодчи олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда кластер фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқариш самарадорлигини ошириш инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга қаратилганлиги ҳақида илмий хулосалар шаклланган. Шу билан биргаликда, агрокластер бошқаруви самарадорлиги унинг таркибига кирувчи корхона ва ташкилотлар ўртасидаги ички муносабатларнинг тўғри йўлга қўйилганлиги билан баҳоланган.

Миллий иқтисодиётнинг турли тармоқлари, жумладан, аграр соҳада кластер фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқаришнинг базавий модели О. Солвелл томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, бунда унинг таркибий элементлари қуйидагилардан ташкил топади:


– иқтисодий субъектлар – бунда кластер миллий иқтисодиётнинг қайси тармоғидан ташкил этилган бўлса, айнан ўша соҳада фаолият юритаётган хўжалик субъектлари назарда тутилади. Агрокластер таркибий тузилишида иқтисодий субъектлар қишлоқ хўжалиги фаолияти юритувчи иқтисодий субъектларни ўз ичига олади. Бунда улар чуқур интеграцион муносабатларга киришган ҳолда умумий ижтимоий-иқтисодий манфаатлар учун иқтисодий ривожланиш салоҳиятларидан

фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган бошқарув амалиётига ўтадилар;

– давлат бошқарув органлари (махаллий ҳокимиятлар) – кластер ташкил этилган тармоқда давлат томонидан амалга оширилаётган ислохотларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этишда иштирок этувчи давлатнинг мутасадди ташкилотлари, вазирликлар, идоралар, қўмиталар, агентликлар, маҳаллий ҳокимият органлари ва шу каби бошқа ташкилотлар назарда тутилади. Шу билан биргаликда, мазкур ташкилотлар кластер фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича турли имтиёзлар ажратиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш ваколатига ҳам эга бўлади;

– таълим муассасалари – агрокластер бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги субъектларига нисбатан инновацион ривожланиш орқали рақобатбардошлик кўрсаткичини яхшилашга қаратилган бошқарув амалиётига эга бўлганлиги сабабли, унинг таркибига кирувчи қишлоқ хўжалиги субъектлари фаолиятида кадрлар сиёсати муҳим аҳамият касб этади. Бунда иш берувчилар томонидан ёлланма ишчиларнинг касбий билим, малака, кўникмаларига нисбатан талаблар мунтазам равишда такомиллаштириб борилади. Шу сабабли мазкур таркибий элемент касбий таълим бериш ваколатига эга бўлган касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари, корхоналар инновацион фаолиятида иштирок этаётган илмий ходимлар малакасини ошириш ва инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқишда иштирок этувчи илмий-тадқиқот институтлари, технологик парклар, технологиялар трансферти офисларидан ташкил топади;

– ҳамкор ташкилотлар – бунда агрокластер фаолиятини ривожлантириш учун зарурий шарт-шароитларни яратиш ва уларга техник-технологик хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи хусусий, давлат-хусусий шериклик, хорижий капитал иштирокидаги, қўшма корхоналарни киритиш мумкин бўлади.



1-расм. Агрокластер фаолиятини ташкил этиш бўйича О. Солвеллнинг “Базавий” модели [7]

Жумладан, бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида савдо палаталари, нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ҳам мазкур жараёнлардаги иштироки тобора кенгайиб боради. Натижада агрокластер фаолияти қишлоқ хўжалигидаги комплекс ижтимоий-иқтисодий тузилма сифатида шаклланади;

– оммавий ахборот воситалари – оммавий ахборот воситалари замонавий рақобат курашида агрокластернинг брендини шакллантириш ва маркетинг фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан биргаликда, агрокластер фаолияти тўғрисида маълумотларни истеъмолчиларга етказишнинг асосий дастакларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли ҳам агрокластер фаолиятини ташкил этишда оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиши талаб этилади;

– молиявий ташкилотлар – бунда агрокластер фаолиятини ривожлантиришда унга молиявий хизмат кўрсатувчи тижорат банклари, микромолиялаштириш ташкилотлари, суғурта фондлари, бюджетдан ташқари мақсадли фондлар, маҳаллий ва халқаро даражадаги донор ташкилотлар, кредит уюшмалари назарда тутилади. Жаҳон амалиёти таҳлилига кўра, АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида хўжалик фаолияти юритаётган йирик агрокластерлар таркибига махсус фондлар ташкил этилган бўлиб, улар ихтиёридаги молиявий ресурслардан агрокластер таркибига кирувчи қишлоқ

хўжалиги субъектлари инновацион бошқарувини ривожлантиришни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш жараёнида кенг фойдаланилади [7].

О. Солвелл томонидан ишлаб чиқилган агрокластер фаолиятини ташкил этишнинг “Базавий” моделида кластер таркибига кирувчи корхона ва ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг йўлга қўйилиши, жумладан, унга таъсир кўрсатувчи ташқи омиллар кластер фаолияти сифатида баҳоланади. Бунда агрокластер фаолиятини бошқариш самарадорлиги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамланишида деб баҳоланади [7] Олим томонидан агрокластерга қўшилган қишлоқ хўжалиги субъектларининг иқтисодий фаолиятида содир бўладиган тенденцияларнинг инобатга олинмаганлиги моделнинг камчилиги сифатида баҳоланади.

Таҳлилларга кўра, агрокластер фаолиятини ташкил этиш бўйича О. Солвелл томонидан ишлаб чиқилган “Базавий” модел уни ташкил этувчи таркибий корхона ва ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга асосланган. Бунда агрокластер таркибига кирувчи ҳар бир ташкилот мустақил бошқарув амалиётига асосланиши айтиб ўтилган. Яъни агрокластернинг таркибий корхона ва ташкилотларида бошқарув функционал ёндашув асосида ташкил этилиши лозимлиги кўрсатилган. Шу сабабли моделда агрокластер бошқарувини амалга оширишнинг устувор йўналишлари аниқ кўрсатилмаган.

#### ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Porter, M. E (1998). Clusters and the New Economics of Competition. Harvard Business Review, November–December: 77–90
2. Лисин М. Н. Создание инфраструктуры регионального кластера субъектов малого предпринимательства АПК в форме аграрного инфраструктурного парка // Экономика сельскохозяйственных и перерабатывающих предприятий. 2013. № 4. С. 83.
3. Feser E.J. (1998). Old and new theories of industry clusters. in Steiner M. (ed.), Clusters and regional specialization, Pion Press, London, UK. pp. 18–40
4. Doloreux D. and Shearmur R. (2009) maritime clusters in diverse regional context: the case of Canada. Marine Policy. Vol. 33, № 3. pp. 520–527.
5. Ketels Ch., Lindqvist G. and Solvell O. (2012), Strengthening Clusters and Competitiveness in Europe. The Role of Cluster Organizations. The Cluster Observatory. Center for Strategy and Competitiveness. October 2012. 50 p. URL: [https://clustercollaboration.eu/sites/default/files/document-store/Strengthening\\_Clusters\\_and\\_Competitiveness\\_in\\_Europe.pdf](https://clustercollaboration.eu/sites/default/files/document-store/Strengthening_Clusters_and_Competitiveness_in_Europe.pdf)
6. Claudio R. and Riccardo V. (2008). Foresight and innovation in the context of industrial clusters: the case of some Italian districts. Technological Forecasting & Social Change, vol. 75, № 6, pp. 817–833
7. Solvell O. (2008). Clusters. Balancing evolutionary and constructive forces. Ivory Tower Publishers, Stockholm, Sweden. 138 p. URL: <https://irp-cdn.multiscreensite.com/bcb8bbe3/files/uploaded/redbook.pdf>

## Хурматли журналхонлар!

“**AGROIQTISODIYOT**” илмий-амалий аграр иқтисодий журнали 2017 йил июнь ойидан бошлаб нашр этила бошланди. Унда иқтисодиёт мавзусидаги мақолалар билан қатнашиш мумкин.

Журналда чоп этиладиган мақолалар **ўзбек, рус ва инглиз** тилларида қабул қилинади. Уларнинг ҳар бири **8 бет**дан кам бўлмаслиги, А4 ўлчамдаги оқ қоғозда, **1,5 интервал билан 14 шрифтда Times New Roman шрифтида тайёрланган, ўзбек, рус, инглиз тилларида қисқача аннотация ва калит сўзлар илова қилинган, муаллифнинг фамилияси, исми ва шарифи, иш жойи, лавозими, илмий даражаси ва унвони, манзили, телефон рақами ва электрон почтаси** кўрсатилган ҳолда тақдим этилиши керак.

Мақолани электрон почта [ooqxssrtxm@agro.uz](mailto:ooqxssrtxm@agro.uz) орқали ҳам юборишингиз, қўшимча маълумотлар учун эса қуйидаги телефонларга мурожаат этишингиз мумкин: (371) 2605230, 2605261.

Ушбу журналда эълон қилинган мақолалар билан **Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази**нинг веб сайти, ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари ҳамда [www.ooqxssrtxm.uz](http://www.ooqxssrtxm.uz) орқали танишишингиз мумкин.

Манзил: **100140, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2 уй.**

**Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази (ISCAD)**

Таҳририят:  
Мусахҳих: **Янгибоев Д.**  
Дизайнер-саҳифаловчи – **Садуллаев У.Н.**

Таҳририят манзили:  
100140, Тошкент вилояти, Қибрай тумани  
Университет кўчаси, 2 уй.  
Тел.: (+0371) 2605230  
Факс: (+0371) 2605230  
E-mail: [ooqxssrtxm@agro.uz](mailto:ooqxssrtxm@agro.uz)

Бичими 60x84 1\8 (4 б.т.). Адади 150.  
Чоп этишга 31.01.2023 йилда рухсат  
этилди. 8/15 сонли бюртма.

Уч ойда бир марта чиқади.  
Баҳоси келишилган нархда.

“**AGROIQTISODIYOT**” журналидан кўчириб босиш фақат таҳририятнинг ёзма розилиги билан амалга оширилади.

Таҳририят фикри муаллифларнинг фикр ва қарашларига мос келмаслиги мумкин.

Мақолалардаги факт ва рақамларнинг ҳаққонийлигига муаллиф шахсан масъул.

Реклама мазмунига реклама берувчи жавобгар.